



УЎТ: 632:632.7:72.1.

## ДАЛА АТРОФИ ФИТОСАНИТАР ҲОЛАТИНИНГ БУҒДОЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ЗИЧЛИГИГА ТАЪСИРИ

Саттаров Асқар Бўтаярович 

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти  
Сурхондарё минтақавий филиали катта илмий ходими, б.ф.н.

**Аннотация.** Ушбу мақолада зараркунандаларнинг қишловдан чиқиб кўпайиши “ўчоғи” ҳисобланадиган дала атрофи маконларида уларнинг зичлиги ва буғдойзорларда ривожланишини ўрганиш бўйича олиб борилган кузатишлар натижалари келтирилган. Кузатувлар натижасида дала атрофи бегона ўтларда ривожланаётган шира, трипс, зарарли хасва каби сўрувчи ҳашаротларнинг кўпайиши ҳамда тарқалиши давомийлиги март ойи охиридан токи май ойи охиригача давом этиши ва майдон бирлигида иқтисодий зарар миқдор мезони (ИЗММ) кўрсаткичлари бир неча баробардан токи бир неча ўн мартага кўп бўлиши аниқланди.

**Калит сўзлар:** Фитосанитар, хасва, трипс, шира, буғдой, уват.

**Аннотация.** В данной статье представлены результаты наблюдений, проведенных по изучению плотности вредителей в «очаге» зимовки и их развития на посевах пшеницы в полях. В результате наблюдений установлено, что продолжительность размножения и распространения сосущих насекомых, таких как тли, трипсы и вредоносные клопы, развивающиеся на сорняках в полях, длится с конца марта до конца мая, а показатели экономического критерия вредоносности (ЭКВ) на единицу площади у них в несколько раз и в несколько десятки раз выше.

**Ключевые слова:** Фитосанитария, клопы, трипсы, тли, пшеница, юват.

**Abstract.** This article presents the results of observations conducted to study the density of pests in the "hotbed" of wintering and their development in wheat fields in the fields. As a result of the observations, it was found that the duration of the reproduction and spread of sucking insects such as aphids, thrips, and harmful aphids developing on weeds in the fields lasts from the end of March to the end of May, and the indicators of the economic damage criterion (EDQ) per unit area are several times to several thousand times higher.

**Keywords:** Phytosanitary, aphids, aphids, wheat, yuvat.



## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

### КИРИШ

Ширалар, трипслар, ва зарарли хасва буғдой экиннинг ҳосилига ва ривожланишига жиддий зарар берадиган зараркунандалар ҳисобланади. Уларнинг қишлаб чиқадиган ва эрта баҳордан тўпланиб кўпаядиган макони асосан дала атрофи ҳамда бегона ўтлар ҳисобланади [1]. Улар эрта баҳордан бошлаб бегона ўтлар ширалари билан озиқланиб ривожланади ва шароитга қараб буғдойзорларга кўчиб ўтади [2]. Шу сабабли дала атрофи “ўчоқ” ларининг ҳавфлилик даражасини билиш учун зараркунандаларнинг зичлиги ва тарқалиш давомийлигини тизимли равишда ўрганишни режа қилиб олдик.

### МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Кузатув ва назорат ишлари қуйидаги тартибда амалга оширилди. Буғдойзорда шираларни ҳисобга олиш 10 та зарарланган новдадаги зараркунанданинг ўртача сонини ҳисоблаш усулида, трипслар зичлигини аниқлаш учки барг ости ва бошоқ элементларини таҳлили қилиш асосида олиб борилди. Зарарли хасванинг қишлоvdан чиққан етук зотларини ғалланинг туплаш фазасида ва унинг янги бўғинини (личинкаларини) ўрганиш эса ғалланинг бошоқли фазасида ўтказилди. Бунда майдон бирлиги (1м<sup>2</sup>) даги зотлари ҳисоб қилиб борилди. Дала атрофида ҳисоб ишлари ҳар бири 1м<sup>2</sup> хажмдаги 10 та намунада олиб борилди. Намуналарнинг бир – биридан узоклиги 25 метрни ташкил қилди. Ҳар бир намунадан 5 тадан бегона ўт поялари ўрганилди. Шири ва олтинкўз миқдори ҳисоблаб борилди.

### НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Тадқиқот ишлари учун дала атрофлари ва уватларда турли бегона ўтлар ривожланаётган ва бегона ўтлардан тоза, тўлиқ гектар ҳосил қилиниб, конверт усулига келтирилган буғдой далалари танлаб олинди. Кузатув ишлари март ойи учинчи ўн кунлиги, апрель ва май ойларида олиб борилди (жадвал).

Бегона ўтлардаги шираларнинг 1м<sup>2</sup> майдондаги зичлиги апрель ойининг дастлабки кунларидан бошлаб шиддат билан ошиб борганлиги ва бу зичлик май охиригача сақланиб қолиши кузатилди. Майдон бирлигида уларнинг сони 3,5 мингдан токи 7500 донагача қайд қилинди. Трипснинг зичлигидаги юқори кўрсаткич ҳам эрта баҳордан то май ойининг охиригача сақланиб қолди. Бу миқдорий кўрсаткичлар ҳисоб кунларидаги зотлар бўлиб, уларнинг буғдойзорга кўчиб ўтган популяциялар сонининг қай даражада чексизлигини билдирувчи кўрсаткичдир. Зарарли хасванинг эрта баҳорги етук зотлари зичлиги ҳам апрель ойи давомида юқори кўрсаткичда сақланиб қолди ва ҳар 1м<sup>2</sup> майдонда ўртача 11-17 донани ташкил этди. Май ойи давомида эса ўртача 2 донага тушиб қолди. Бу эса уларнинг кейинги ҳаётий босқичлари буғдой майдонларида давом этганлигини билдиради.

Дала атрофи ва уватлар бегона ўтлардан холис бўлган буғдойзорда шира, трипс ва хасва зичлиги апрель ойи дастлабки кунларидан то май ойи

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

охиригача кўпайиб бориш тартибида ривожланишини кўрсатди. Уларнинг зичлиги иқтисодий зарар миқдор мезони (ИЗММ) даражасигача етмади. Лекин, дала атрофида кўплаб турдаги бегона ўтлар ривожланаётган уватли буғдойзорларда эса ширалар, трипслар ва зарарли хасва зараркунандаларисанинг зичлиги иқтисодий зарар миқдор мезони (ИЗММ) га нисбатан юқори даражада сақланиб қолишини кўрсатди.

*жадвал*

### Буғдой атрофи фитосанитар ҳолатининг зараркунандалар зичлигига таъсири

т/р	Дала атрофи фитосанитар ҳолати	Зараркунандалар номи	апрель			май			
			I	II	III	I	II	III	
1	Бегона ўтлардан тозаланган уватли буғдойзор	Дала атрофи	1. Шира	-	-	-	-	-	-
			2. Трипс	-	-	-	-	-	-
			3. Хасва	-	-	-	-	-	-
		Буғдой-зорда	1. Шира	79	91	103	116	144	167
			2. Трипс	17	21	29	46	116	72
			3. Хасва	0,3	0,3	0,5	1,5	0,9	3,0
2	Турли бегона ўтлар кучли ривожланаётган уватли буғдойзор	Дала атрофи	1. Шира	3460	5100	6250	5200	7500	3100
			2. Трипс	364	273	443	168	190	203
			3. Хасва	12	11	17	0	2	2
		Буғдой-зорда	1. Шира	226	248	267	328	296	334
			2. Трипс	29	36	45	71	176	119
			3. Хасва	1,6	2,1	2,4	7,0	9,0	11,0

### ХУЛОСА

Асосий экин дала атрофи уватларда бегона ўтларнинг кўп бўлиши шира, трипс ва зарарли хасва каби зараркунандаларнинг зичлигининг кескин ошиб кетиши ҳамда ҳосилдорликка иқтисодий зарар бериш ҳавфи юқори бўлишини кўрсатди. Олинган натижалар уйғунлашган қарши кураш усуллари кенг миқёсда қўлланилишида амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

### АДАБИЁТЛАР

1. Алимухамедов С., Адашкевич Б., Очилов З., Хўжаев Ш. Ғўзани биологик усулда ҳимоя қилиш. – Тошкент-1990.- 172 б.
2. Алимухамедов С.Н., Ходжаев Ш.Т. Ғўза зараркунандалаари ва уларга қарши кураш чоралари.- Тошкент: "Ўзбекистон", 1978.72-73-б.
3. Хўжаев Ш.Т., Сулаймонов О.А. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари.- Тошкент -2019.-376 б.
4. Хўжаев Ш.Т., Уразбоев А.А., Шокирова Г.Н. "Ғўза ғалла " алмашлаб экиш тизимида агробиценоз муносабатларинг шаклланиши. Тошкент-2016.-83 б.

